ИЖТИМОИЙ ТАРАҚҚИЁТДА МАЪНАВИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ФАЛСАФИЙ МЕТОДОЛОГИК АҲАМИЯТИ

И.Ч. Шерманов

Мақолада маънавий ишлаб чиқаришга жамият тараққиётини ривожлантирувчи фалсафий категория сифатида таъриф берилган ҳамда унинг ижтимоий-иқтисодий билимлар тизимидаги назарий-методологик аҳамияти ёритиб берилган.

Калит сўзлар: *моддий ишлаб чиқариш, маънавий ишлаб чиқариш, ижтимоий онг, жамиятнинг маънавий ҳаёти, тараққиёт, моддийлик ва маънавийлик, объективлик ва субъективлик диалектикаси.*

В статье дано определение духовного производства как философской категории, служащей фактором развития прогресса общества, а также освещено теоретико-методологическое значение этой сферы в системе гуманитарных социально-экономических знаний.

Ключевые слова: *материальное производство, духовное производство, общественное сознание, духовная жизнь общества, прогресс, диалектика объективности и субъективности.*

This research paper provides a definition of spiritual production as a philosophical category, serving as a factor of social progress, and describes philosophical analysis of the theoretical and methodological importance of this sector in the system of human social and economic knowledg.

Key words: *material production, spiritual production, social consciousness, the spiritual life of society, progress, material and spiritual, objective and subjective dialectics.*

Ўзбекистон мустақил ижтимоий тараққиётининг доимий равишда жадал суръатлар билан кечишини таъминлашни жамият ҳаётида юз берадётган маънавий ишлаб чиқариш жараёнини фалсафий жиҳатдан тадқиқ этмасдан, унинг натижаларини ҳисобга олмасдан туриб амалга ошириб

бўлмайди. Бу ишнинг назарий ва амалий жиҳатдан амалга оширилиши эса ўз навбатида жамият ҳаётининг барча жабҳаларидаги умумий, хусусий, алоҳида тарзда кечаётган моддий ва маънавий ишлаб чиқариш жараёнлари диалектикасини тўлиқ англаб етиш орқали уларни уйғунлаштириш имконини беради. Шундай экан, маънавий ишлаб чиқаришнинг ўзи нима, у қандай пайдо бўлган ва жамият ҳаётидаги ўрни нималар билан белгиланади, деган савол туғилиши табиийдир.

Жамият ҳаётида юз берадиган маънавий ишлаб чиқариш жараёнини илмий фалсафий муаммо сифатида ўрганиш XX асрнинг 80-йилларидан бошланган. Е.С.Барулин, А.М.Ковалев, С.Ф.Анисимов, А.К.Уледов, В.И.Толстых ва бошқалар [3.230; 4.255; 5.253; 6.271; 7.49] томонидан ёзилган монография ва илмий мақолаларда "маънавий ишлаб чиқариш" фалсафий категория сифатида марксча-ленинча фалсафанинг моддийликнинг бирламчилиги, ҳар бир нарсани синфийлик ва партиявийлик нуқтаи назаридан қараш каби тамойилларидан келиб чиққан ҳолда ёритиб беришга ҳаракат қилинди. Бироқ СССР парчаланиб кетгандан сўнг бу муаммо кўпчилик файласуф олимларнинг диққат – эътиборидан четда қолиб кетди.

Мустақил ижтимоий тараққиёт йўлини танлаган ўзбек халқи ўзининг мазмун-моҳиятига кўра янгича мазмундаги фалсафий дунёқарашни шакллантириш ва ривожлантиришга киришар экан, ушбу муаммонинг ечимини топишда жамият ҳаётида моддий ва маънавий ишлаб чиқаришнинг мавжудлигини, улар ўртасидаги диалектик боғланишларни инкор этмасдан, И.А.Каримовнинг*: "Моддий асоссиз маънавий фикр яшай олмайди, маънавиятсиз моддий асос ҳам ривожлана олмайди*" [2.278],– деган фикрларини методологик асос қилиб олган ҳолда фаолият юрита бошлади. Бундай фаолият олиб боришга сабаб мамлакатимизда кенг қамровли ислоҳотлар олиб борилаётган бир даврда маънавий ишлаб чиқариш механизмларини ўрганиш жамиятнинг маънавий ва моддий ҳаётида янгиликлар қандай пайдо бўлишини тушунишга, уларнинг келгусидаги истиқболларини кўра билишга ёрдам бериши билан ифодаланади.

И.А.Каримовнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" номли асаридаги: "... моддий эҳтиёжларни инсоннинг руҳий оламига қарама-қарши қўйиш, уларнинг бирини устун деб билган ҳолда, тирикликнинг асосий мақсади сифатида қабул қилиш қандайдир бир ёқлама қараш ифодаси, деб айтсак, хато бўлмайди.

Қолаверса, бу масалага бундай кескин ёндашув, хусусан, одамнинг руҳий дунёсини менсимаслик, уни иккиламчи ўринга қўйиш охир-оқибатда жамият ҳаётида инқирозга олиб келиши муқаррар эканини тарих кўп маротаба исботлаган.

Бир сўз билан айтганда, инсон ўз тимсолида ҳам моддий, ҳам маънавий хусусият ва аломатларни мужассам этган ноёб хилқат, Яратганнинг буюк ва сирли мўъжизасидир. Шунинг учун ҳам унинг ички дунёси, унга ато этилган фазилат ва хислатларни охиригача англаш, тушунишнинг ўзи ўта мураккаб бир масала.

Мана шундай қараш ва фикрларни умумлаштириб, инсонга хос орзу-интилишларни рўёбга чиқариш, унинг онгли ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий оламни бамисоли парвоз қилаётган қушнинг икки қанотига қиёсласак, ўйлайманки, ўринли бўлади.

Қачонки ана шу икки муҳим омил ўзаро уйғунлашса, том маънодаги қўш қанотга айланса, шундагина инсон, давлат ва жамият ҳаётида ўсиш-ўзгариш, юксалиш жараёнлари содир бўлади. ...Моддий ва маънавий ҳаёт тамойиллари бир-бирини инкор этмайди, аксинча, ўзаро боғланиб, бир-бирини тўлдиради. Юксак тараққиётга эришишни орзу қиладиган ҳар бир инсон ва жамият ўз ҳаётини айнан ана шундай диалектик ва узвий боғлиқлик асосида қурган ва ривожлантирган тақдирдагина ижобий натижаларга эриша олади" [1.66-69],– деган фикрларни назарий-методологик асос қилиб олган ҳолда: *биринчидан,* «маънавий ишлаб чиқариш» тушунчасига категория сифатида фалсафий таъриф бериш; *иккинчидан*, унинг «ижтимоий онг», «жамиятнинг маънавий ҳаёти», «маънавий фаолият», «маънавий муносабатлар», «маънавий мулоқот», «маънавий эҳтиёж», «маънавий қадриятлар» сингари категориялар орасидаги ўрнини, нисбатини аниқлаш; *учинчидан*, маънавий ишлаб чиқаришнинг тарихий шаклларини ёритиш; *тўртинчидан*, маънавий ишлаб чиқаришнинг инфраструктурасини, унинг ижтимоий ишлаб чиқариш тизимидаги ролини кўрсатиш; *бешинчидан*, маънавий ишлаб чиқариш қамраб оладиган нарса, ҳодиса ва жараёнларнинг доирасини аниқлаб олиш; *олтинчидан,* хўжалик юритишнинг маънавий механизмларини ишга тушириш кабиларни фалсафий таҳлилдан ўтказиб, уларнинг гуманитар, ижтимоий-иқтисодий билимлар тизимидаги ўрнини аниқлаш зарур бўлиб турибди.

Хўш, маънавий ишлаб чиқариш нима? Буни ижтимоий-фалсафий муаммо сифатида тадқиқ қилиш ишларини энг аввало унга берилган таърифларни таҳлил қилишдан бошлаш мақсадга мувофиқдир. Бу хусусда фалсафий адабиётларда, масалан, қуйидагича таърифлар берилган. У.Ҳа-

йитов: “Маънавий ишлаб чиқариш ўз мазмуни ва шаклига кўра турли-туман бўлиб, ижтимоий онгнинг аниқ тарихий шакллари, маънавий қадриятлар (илмий ғоялар ва қарашлар, бадиий асарлар, тасвирий санъат, меъморчилик) маҳсулидан иборат” [8.15]; «Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати»да: «Маънавий ишлаб чиқариш – жамият ва инсон фаолиятининг асосий йўналишларидан бири, маънавий бойликлар яратиш, бойликларни ўзлаштириш ва истеъмол қилиш, маънавий қадриятларни ривожлантириш жараёнини англатувчи тушунча» [9.307]; Н.Маматов, А.Ҳожибоев, С.Юлдошевалар томонидан ёзилган «Фалсафа» номли китобда: “Маънавий ишлаб чиқариш орқали жамият маънавий ҳаётини ташкил этувчи илм-фан, диний, ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий, бадиий-эстетик қадриятлар, маънавий неъматлар яратилади” [10.414], «Фалсафа: қомусий луғат»ида: “Маънавий ишлаб чиқариш – ижтимоий шаклдаги онгни яратиш, ишлаб чиқариш”[11:254]. Ушбу таъриф ва фикрларни диққат билан ўрганадиган бўлсак, уларда маънавий ишлаб чиқариш масаласини тушунишда бироз чалкашликка йўл қўйилгани кўринади. Буни маънавий ишлаб чиқаришнинг жамият ҳаётидаги бир жараён сифатидаги ўрни билан унга берилган фалсафий таърифлар ўртасидаги мантиқий изчилликнинг йўқлигида кўриш мумкин. Бизнингча, *биринчидан*, маънавий ишлаб чиқариш мавжудлик сифатида – бу кишилар томонидан жамиятнинг маънавий эҳтиёжларини қондирувчи турли хил нарсалар: ғоялар, назариялар, билимлар, бадиий асарлар, ахборот тизимлари, қадр-қимматга эга бўлган бойликларни яратиш, ўзлаштириш, истеъмол қилиш учун қилинадиган меҳнат жараёнларининг яхлит бир тизимидир. *Иккинчидан*, маънавий ишлаб чиқариш фалсафий категория сифатида – бу жамият ҳаёти учун зарур бўлган ғоялар, билимлар, тасаввурлар, ахлоқий, бадиий-эстетик қадриятларни ишлаб чиқариш-жараёнини ўзида ифодалайдиган тушунчадир.

«Маънавий ишлаб чиқариш» тушунчаси, ижтимоий фанлардаги асосий категориялар қаторига киради, шу боис ундан фойдаланиш тўғри ва самарали бўладиган мавҳумлаштирилган тарздаги методологик даражасини доимо сақлаб туриш ниҳоятда муҳимдир. Баъзи муаллифлар ижтимоий онг юзага келтирган ҳар қандай жараённи маънавий ишлаб чиқариш деб аташга мойилдирлар. Масалан, У.Ҳайитов ва А.К.Уледовлар бу хусусда: «Маънавий ишлаб чиқариш... аввало алоҳида гуруҳни ташкил этувчи одамлар томонидан амалга оширилади, яъни махсус ишлаб чиқариш ҳисобланади. Унинг хусусиятлари айнан шунда кўринади. Бироқ буни мутлақлаштириш тўғри эмас” [6.70]. Маънавий ишлаб чиқариш, шунингдек, кишилар томонидан доимий амалга ошириладиган фаолият (халқ оғзаки ижоди, расм-русумлар, халқ табобати ва ҳоказо)ни ҳам ўз ичига олади [8.16]. Ихтисослашмаган даражадаги маънавий ишлаб чиқариш эса «реал ҳаёт тили»га – ижтимоий ҳаётнинг моддий-ишлаб чиқариш, оилавий-маиший ва бошқа соҳаларига бирлашиб кетганича қолади» [6.70]. Бизнинг назаримизда, ижтимоий онгнинг турли жараёнларини бир категория доирасида қамраб олишга бундай уриниш унинг назарий даражасининг йўқолишига олиб келиши ва тадқиқотнинг предмет доирасини ҳаддан ташқари кенгайтириб юбориши мумкин.

«Маънавий ишлаб чиқариш» категорияси ижтимоий ҳаётнинг қайси ҳодисаларини қайд этади? Унинг назарий-методологик қиймати қандай ҳолатларда сақланиб қолади? Бизнинг назаримизда:

биринчидан, у ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ягона ижтимоий-фалсафий назарияси доирасида «моддий ишлаб чиқариш» категориясига қиёсан жорий этилган тақдирдагина сақланиб қолади. Демак, ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнида маънавий ишлаб чиқариш ҳам, моддий ишлаб чиқариш ҳам ўзига хос функция ва вазифаларни бажаради. Уларнинг диалектик бирлиги туфайли «маънавий ишлаб чиқариш» тушунчасининг методологик қиймати сақланиб қолади;

иккинчидан, жамият маънавий ҳаётининг асосини ташкил этувчи *маънавий фаолиятнинг муайян типларини такрор ишлаб чиқариш бўйича йўлга қўйилган, ижтимоий жиҳатдан ташкил қилинган тизимларининг* мавжудлиги маънавий ишлаб чиқаришнинг конституциявий белгиси бўлиб хизмат қилади. Демак, маънавий ишлаб чиқаришнинг алоҳида (махсус) ижтимоий гуруҳларнинг уюшган фаолиятидан иборат бўлган конституциявий белгиси келгусида «маънавий ишлаб чиқариш»нинг методологик қийматини сақлаб қолишга, қолаверса, оширишга имкон беради;

учинчидан, маънавий ишлаб чиқаришни таърифлашда яна бир муҳим жиҳатни таъкидлаш керак бўлади. Агар ушбу категориянинг мазмунини ғоялар, тасаввурлар, билимлар ва шу кабиларни ишлаб чиқаришнинг мавжуд усуллари йиғиндиси деб ҳисобласак, унда онгимизни ифодалайдиган *ижтимоий мазмундаги шакллар* қаердан пайдо бўлади ва нима учун барқарор равишда такрор ишлаб чиқарилади, деган савол очиқ қолади. Маълумки, фан, сиёсий мафкура, дин ва шу кабилар қандайдир ғояларнинг оддийгина йиғиндиси эмас,

балки ғоялар шаклидаги ижтимоий муносабатлар муайян типларининг жамланган ифодаси бўлиб, улар моддий ва маънавий ишлаб чиқаришни бир бутун қилиб бирлаштирувчи умумийлик ҳисобланади.

тўртинчидан, маънавий ишлаб чиқариш ижтимоий онг шаклларини ишлаб чиқаришдир, яъни ижтимоий муносабатларнинг маънавий шаклидир деган қоида, аслида, ташқаридан қараганда хилма-хил бўлган ижтимоий онг ҳодисалари ортида турувчи ижтимоий механизмларнинг ички мазмунини тушунишга ёрдам беради. Аслида, гап *маънавий ишлаб чиқаришнинг бирлаштирувчи самараси* бўлмиш айрим ғоялар, образлар, тасаввурларни ёки ҳатто уларнинг мажмуини ишлаб чиқаришни эмас (гарчи буларнинг ҳаммаси шубҳасиз маънавий ишлаб чиқариш маҳсули бўлса-да), балки *ижтимоий онгни келтириб чиқарувчи чизмаларнинг (схемаларнинг) ўзини ишлаб чиқаришдадир*. Демак, айнан маънавий ишлаб чиқариш фаолиятининг ижтимоий онг шаклларини ижод қилиш эффектининг мавжудлиги сабабли макондаги бутун бир ижтимоий-тарихий амалиётнинг хилма-хиллигини замондаги объектив фикрий шаклларга айлантириш мумкин бўлади.

Ижтимоий онгнинг ҳар қандай шаклида воқеликни акс эттириш натижалари композицион жиҳатдан барқарор, ўзаро мувофиқлашган тузилмаларга синтезлашган (бирлашган) бўлади. *Маънавий ишлаб чиқариш эса уларнинг конструктив асосини ташкил этади ва бундай композицияларнинг қонунларини, ижтимоий онг шаклларининг бутун архитектоникасини юзага келтиради*. Айни вақтда, албатта, бунда маънавий ишлаб чиқариш ҳосиласи бўлган маънавий маҳсулотлар маълум даражада тартибга солиниши ва унификация қилинишига эришилади. Шундай бир ҳолатда «маънавий ишлаб чиқариш» тушунчаси ижтимоий онг шаклларини ижод қилиш, яъни маънавий ижоднинг барча турларидан мавҳумлаша боради, деган хулосага келиш мумкинми? Бундай хулосага келишни маънавий ишлаб чиқаришнинг фалсафий-категориал таснифининг дастлабки асосини мазмуний предметли тадқиқот эмас, балки сўзлар маъноларининг турли жиҳатларига мурожаат этиш ташкил этади, деб баҳолаш мумкин бўлади. Бунда, агар маънавий ишлаб чиқариш ўз маҳсулотларида идеал шаклда ижтимоий муносабатларни такрор ишлаб чиқарадиган, яъни одамлар орасидаги муомала шаклларини қуришда иштирок этадиган маънавий фаолият турларини етиштирса, демак, у бевосита ижтимоий ҳаёт ва фаолият, жамиятнинг ўзини ўзи яратишидек узлуксиз жараёнга киради. Айнан *ишлаб чиқариш* жамиятнинг ўзини ўзи ривожлантирадиган универсал механизмидир. Шундай қилиб, бизнинг фикримизча, маънавий ҳаётдаги янгилик элементларини маънавий ишлаб чиқаришнинг ҳар қандай даражасида топиш мумкин, бироқ унда ижоднинг энг муҳим жиҳати, аввало, *ижтимоий онгни юзага келтирувчи схемаларни яратиш, турли маънавий маҳсулотлар айрим ҳукмрон ғоя-муносабатлар атрофида жамланишига ва муайян ижтимоий шаклда унинг ички композицияси қонуни бўйича ривожланишига сабаб бўладиган система ҳосил қилувчи сифати ҳисобланади.*

Хулоса қилиб айтганда, маънавий ишлаб чиқариш ривожланишининг ҳозирги босқичига иккита турли йўналишда кечаётган жараённинг диалектик бирлиги хосдир: бир томондан, унинг ижтимоий институтлари нисбий мустақиллиги ошиб бормоқда, маънавий маҳсулотларни ишлаб чиқариш, сақлаш ва тақсимлаш фаолияти махсус (ихтисослашган) турларининг борган сари катта миқёсли тизимлари шаклланмоқда ва такомиллашмоқда, улар билан моддий ишлаб чиқариш тизими ўртасидаги ўзаро алоқалар кенгайиб, мустаҳкамланмоқда. Иккинчи томондан, ижтимоий бошқарув соҳасининг нисбатан алоҳида бўлиб ажралиб чиқаётгани, унинг мамлакатимиз хўжалигининг барча тармоқларида кўзланган мақсадга таъсирининг самарадорлиги айни вақтда анча ошгани бунга мисол бўла олади. Худди шу жараёнлар илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари, оммавий коммуникация воситалари, сиёсий маърифат ва иқтисодий таълим тизимлари сингари тегишли ташкилий шаклларда моддий ишлаб чиқариш доирасига киритилган ижтимоий-иқтисодий объектларга ҳам тўлиғича тааллуқлидир.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.– 176 б.
2. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9.–Т.: Ўзбекистон, 2001.– 432 б.
3. Барулин В.С. Диалектика сфер общественной жизни.–М.: МГУ, 1982. – С. 230.
4. Ковалев А.М. Диалектика способа производства общественной жизни.– М.: Мысль, 1982.– С.255.
5. Анисимов С.Ф. Духовные ценности: производство и потребление.– М.: Мысль, 1988.– С.253.

6. Уледов А.К. Духовная жизнь общества. Проблемы методологии иследования. – М.: Мысль, 1980. – 271 с.

7. Толстых В.И. Социально-философские проблемы общественного производства // Вопросы философии. – 1982. – №4. – С.49.

8. Ҳайитов У. Жамият тараққиётида маънавиятнинг ўрни.–Т.: Маънавият, 2015.– 32 б.

9. Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2010. –760 б.

10. Маматов Н., Ҳожибоев А., Юлдошева С. Фалсафа (Ўқув қўлланма).– Т., 2006. –432 б.

11. Фалсафа: қомусий луғат (Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров). – Т.: Шарқ, 2004. – 496 б.

Самарқанд давлат университети,
2016 йил 10 ноябрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Ж.Яхшиликов)